Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 5 июнь, чоршанба • № 44 (10.819) • Эркин наркда сотилади.

ПРЕЗИДЕНТ РУМИНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Руминияга жўнаб кетди.

— Руминия ўзига хос маҳсулотлари билан ўзбек харидорларига яхши танишдир, — деди. Ислом Каримов аэропортда журналистлар билан суҳбат чоғида. — Қолаверса, бу юрт билан Ўзбекистон азалдан дўстона алоқада бўлиб келган. Энди Ўзбекистон мустақил давлат сифатида Руминия билан ҳар томонлама алоқаларни янгидан боғлаши ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичда давом эттириши керак. Мазкур сафаримиз ана шу мақсадларга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, С. Сафоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

БУГУН — ХАЛҚАРО АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллиги йилларида табиатни муҳофаза қилиш, экология масалаларига эътибор ортиб бормоқда. Республикамизда атроф муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш, ер, сув, тупроқ каби табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Шу сабабли Халқаро атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни бизда кенг кўламда ва тантанали нишонланмоқда. Биз она-табиат ҳимоячиларини касб байрамлари билан муборакбод этамиз.

Газетанинг бугунги сонида «Табиат ва инсон» рукни остида берилаётган материаллар ана шу халқаро кунга бағишланди.

Вилоятимизда пилла топшириш қандай боряпти?


Шу сонга *Шу сонга*

РЕЖАДАН ОРТИҒИ 1220 КИЛОГРАММ

Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пиллакорлари вилоятда биринчи бўлиб пилла тайёрлаш режасини бажардилар.

ХЎЖАЛИКДА пиллакорларга яратилган яхши шароит, ипак қурти озуқасининг мўллиги, қуртларнинг сифатли парвариш қилинганлиги ўзининг самарасини берди: жамоа хўжалиги аъзолари бир ҳафтадаёқ шартномадаги 5680 килограмм ўрнига 6900 килограмм пилла топшириб, режани адо этдилар. Ҳар қути қурт уруғидан олинган ҳосил ўртача 53 килограммни ташкил этди.

Бу муваффақиятга хўжаликнинг илғор пиллачилари Бувайда Тўраева ва Мавжуда Аҳмедова баракали улуш қўшдилар. Б. Тўраева ўзи парвариш қилган икки қути қурт уруғидан 150 килограмм, М. Аҳмедова бир ярим қути қурт уруғидан 90 килограммдан ошириб хом ашё йиғиштириб олдилар.



«Тинчлик» жамоа хўжалиғи пиллакорлари Янгийўл туманида биринчи бўлиб маррага етдилар. Хўжалик 15,5 тонна ўрнига 16тонна юқори сифатли ҳосил топширди.

Суратда: туман бош пиллахонасида сараланган пиллани қабул қилиб олиш пайти.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

10 КУНДА ЯКУНЛАШАДИ

Янгийўл тумани жамоа хўжаликларида ҳам пилла топшириш бошлаб юборилди. Олдинда «Тинчлик» жамоа хўжалигининг пиллакорлари бормоқдалар. Улар дастлабки кундаёқ салкам 5 тонна юқори сифатли пилла топширдилар.

— 350 қути қурт уруғи боққанмиз, — дейди хўжаликнинг пиллачилик бўйича бош ҳосилоти Неъмат Саримсоқов. — 10 кун ичида пиллани тўлиқ териб бўлиб 15,5 тонна ҳосил топширишни мўлжаллаб турибмиз.

Шу куни хўжалик пиллакорлари орасида илғорларнинг номлари ҳам маълум бўлди. Муҳаббат Саримсоқова 103 килограмм, Хатира Туртоева 101,5 килограмм, Фарҳод Файзиев эса 83 килограмм пилла топширдилар.

Тумандаги «Озод», «Ниёзбош», «Қовунчи» жамоа хўжаликлари ҳам пилла териш ва топширишни бошлаб юбордилар.

— Туманимиз бўйича 2150 қути қурт уруғи тарқатилганди. Узоғи билан ўн кун ичида ҳосилни саранжомлаб оламиз. Режамиз ҳар бир қути уруғидан 50 килограмм, жами 105 тонна пилла тайёрлашдир. Дастлабки кунда эса 8,2 тонна пилла қабул қилиб олдик, — дейди туман бош пиллахонаси раҳбари Қодирали Қоражонов.

Туман хўжаликларида пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ХИРМОНЛАР ЮКСАЛМОҚДА

Пиллакорлар учун ғоят қизғин кунлар бошланди. Барча хўжаликларда етиштирилган мўл пилла ҳосили жадаллик билан терилиб, туманлар бош пиллахоналарига топширилаётир. Мухбиримиз Р. Турсунов пиллахона мутахассислари билан телефон орқали боғланиб, мавсумнинг қандай бораётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

БЕКОБОД

Туман бош пиллахонаси раҳбари Абдурауф БОБОЕВ: — Ўтган уч кунда хўжаликлардан 34 тонна ҳосил қабул қилиб олдик. Режа эса — 145 тонна, 1100 қути қурт уруғининг ҳар биридан камида 50 килограммдан пилла етиштирилган. Олдинда «Ғалаба» жамоа хўжалиги боряпти. Хўжалик пиллакорлари 9 тонна ҳосилни топшириб улгуришди. Яна икки-уч кундан сўнг режани бажариб, 15 тонналик хирмон кўтарадилар. Шунингдек «Хос», Улуғбек номли, Навоий номли жамоа хўжаликлари ҳам пилла теримини жадал давом эттирмоқдалар. Энг илғор пиллачиларимизни газетада чиқаришингизни илтимос қиламиз. Булар — «Ғалаба» хўжалигидан Буолча Рустамова — 102 килограмм, Шаҳодат Абдуллаева — 81 килограмм, Навоий номли хўжаликдан Турғуной Мустафоқулова — 103 килограмм, Ҳурматой Йўлдошева — 90 килограмм, «Хос» хўжалигидан Азиза Искандарова 90 килограмм, Қурбоной Шукурова — 101 килограмм, Улуғбек номли хўжаликдан Фотима Раимбердиева — 76 килограмм ҳосил топширдилар. Улар яна камида 10—15 килограммдан пилла топширишга ваъда беришди.

ЧИНОЗ

Туман бош пиллахонаси раҳбари Ортиқ ИЗБОСАРОВ: — Пилла тайёрлашга 30 майдан киришдик. Мана дастлабки натижа — режа 30 фоизга борди. Мавсум охиригача 115 тонна ҳосил қабул қилиб оламиз. Апрель ойида хўжаликларга 2330 қути қурт уруғи тарқатилганди. Парвариш яхши бўлгани сабабли мўл ҳосил етишди. Пиллакорлар ҳар бир қути уруғдан камида 50 килограммдан ҳосил топширишни зиммаларига олишган. «Дўстлик» жамоа хўжалиги пешқадамлик қиляпти. Хўжалик пиллакорлари 9 тонна ҳосил тайёрлашни режалаштирган эдилар. Шу кунгача улардан 7 тонна қабул қилиб олдик. «Эшонобод», Охунбобоев номли, Навоий номли хўжаликлар ҳам кунига 10—15 фоиздан пилла топширмоқдалар. Мавсумни узоғи билан ўн кун ичида тугаллаймиз.

Вилоят ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Остонақул МАТТИЕВ: — Ҳозир вилоятдаги 7 та туманда пилла қабул қилиб олинмоқда. Олдинда Янгийўл, Бўка, Чиноз туманлари боряпти. Оққўрғон, Бекобод, Қуйичирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари пиллакорлари ҳам кунига 7—8 фоиздан ҳосил топширмоқдалар. Вилоят бўйича кеча 5,7 фоиз ёки 63,6 тонна ҳосил қабул қилиб олинди. Жами тайёрланган пилла 140 тоннага етди. Шартнома-режа 1110 тонна. Яна бир ҳафта — ўн кунларда мавсумга якун ясаймиз.

«Ўзбекистон — Ватаним маним»



МАҲОРАТ ПИЛЛАПОЯСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон — ватаним маним» кўрик-танловининг ўтказилиши нафақат янги қўшиқлар яратилишига, балки шу юрт фарзандлари қалбида ватанга муҳаббат туйғусининг янада шаклланишига, ижодкорлик руҳининг ортишига туртки бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда, жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг тобора оммалашиб бораётгани айниқса аҳамиятлидир. «Ўзбекистон — ватаним маним» мавзуи қисқа вақт ичида катта санъат даргоҳларидан билим юртлари ва мактабларга, турли ишлаб чиқариш жамоаларидан то болалар боғчаларигача кириб борди. Мана шунинг ўзиёқ халқимизнинг ўз маънавий қадриятларига, неча замонлардан бери сайқалланиб келаётган миллий санъатга нечоғлик чанқоқ ва эътиборли эканлигини кўрсатади.

Ғазалкент шаҳрида яшовчи Ўсканбой ака Баҳриддинов ҳам ўзбек мумтоз куй-қўшиқларининг ишқибози. Бўш пайтларида дутору-танбур чертиб янги қўшиқлар ижроси устида ишлайди, ҳамшаҳарлари ва мухлисларига манзур бўладиган миллий оҳанглар излайди. Шу боис Ў. Баҳриддинов «Ўзбекистон — ватаним маним» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, санъат иҳлосмандларининг олқишига сазовор бўлди.

— Мазкур кўрик-танлов бизга ўхшаган ижодкорлар учун айни муддао бўлди, — дейди у. — Бир томондан, ҳукуматимизнинг миллий санъатни ривожлантиришга бу қадар давлат нуқтаи назаридан ёндошаётгани хурсанд қилса, иккинчи томондан ватан мавзуидаги янги-янги қўшиқларнинг пайдо бўлиши ва оммалашиши ҳаммамизни руҳлантирди. Бу жуда керак эди!

Ў. Баҳриддинов айни кунларда ўз ижро маҳоратини ошириш билан бирга ёш ҳаваскорларга қўшиқчилик сирларини ҳам ўргатмоқда.

СУРАТДА: Ўсканбой Баҳриддинов.

Равиль ШАМСУТДИНОВ олган сурат.

ДАВЛАТ АРБОБИ ХОТИРАСИ

Халқ Демократик партияси Янгийўл шаҳар кенгаши, маънавият ва маърифат республика жамоатчилик маркази Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб хотира кечасини ўтказди. Республика ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти раиси Нуриддин Муҳиддиновнинг ёркин хотиралари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб ҳам олдилар.

МУҲАЙЁ ЯНА СОВРИНДОР

ЯҚИНДА Янгийўл шаҳар марказий шифохонаси кардиология бўлимининг ҳамшираси Муҳайё Аҳмедова вилоят ҳамшираларининг кўригида ғолиб келганлигини хабар қилган эдик. Муҳайё Аҳмедова куни кеча Намангандаги тўқимачилар маданият саройида «Ҳамшира-96» республика кўрик танловидан ҳам совриндор бўлиб қайтди. Барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўрик-танловларининг ғолиблари тўпланган бу кўрикда Муҳайё Аҳмедова учинчи ўринни олди.

Зуҳра ҲАЙДАРОВА.

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАР ОЧИҚ-ОЙДИН АЙТИЛМОҚДА?

ВИЛОЯТИМИЗДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ -ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

МАЪЛУМКИ, шу кунларда вилоятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ, овулларда, ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда, йиғин раислари — (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш давом этмоқда. Ана шу сайловлар июнь ойининг охирида тугалланиши керак.

Махсус мухбиримиз вилоятда сайловлар қандай ўтаётганлиги билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят ҳокимлиги ташкилий бўлимида тўпланаётган дастлабки маълумотлар, амалга оширилаётган тадбирларнинг ижроси билан танишдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ташкилий жиҳатдан пухта ўтказиш мақсадида вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди. Сайловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча масалалар ана шу қарорда акс эттирилди, ҳамда кейинги ишлар мазкур ҳужжатни бажариш юзасидан ишлаб чиқилган режа асосида бошлаб юборилди.

Туман, шаҳар ҳокимларининг биринчи муовинлари, ташкилий бўлим мудирлари, жойлардаги «маҳалла» хайрия жамғармалари раислари ва вилоят ташкилотлари бўлим ҳамда бошқарма раҳбарлари билан махсус семинар-кенгаш уюштирилди. Унда сайловларни ўтказиш билан боғлиқ турли хил ташкилий масалалар муҳокама этилди, ўзаро фикр - мулоҳазалар алмашилди. Аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шундан сўнг вилоят ҳокимининг барча муовинлари, бўлим ва бошқарма раҳбарлари, ташкилий бўлим масъул ходимлари ҳар бир туман ва шаҳарга масъул қилиб белгилаб қўйилдилар. Уларнинг бевосита иштирокида барча туман ва шаҳарларда юқоридаги каби амалий семинар машғулотлари ўтказилди. Бу ишга жойлардаги фаоллар жалб этилди. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

Вилоят миқёсида амалга оширилган йирик тадбирлардан бири шу бўлдики, вилоят ҳудудида мавжуд барча қишлоқ, шаҳарча ва овуллар, маҳаллалар яна бир карра қайта ўрганиб чиқилиб, уларнинг умумий сони, ҳудудлари аниқ белгилаб олинди. Маҳаллалар, кўчалар, кўп қаватли уйлар ҳисоблаб чиқилди. Туман ва шаҳар ҳокимлари сайловда иштирок этадиган вакиллар меъёрини қонун асосида белгилаб олдилар.

Туман ҳокимлари ўз ҳудудларидаги шаҳарча, қишлоқ, овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ўтказиладиган сайловнинг қатъий жадвалини ишлаб чиқиб тасдиқладилар, ҳокимликлар томонидан махсус масъуллар тайинланди.

Ҳозир ҳисобот сайловлар ана шу жадвалга қатъий риоя қилган ҳолда давом этмоқда. Бу тадбир вилоятда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг ташкилий кенгашлар иши бўлими томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида ўтказилмоқда.

Хўш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилаётган бу сафарги сайловларнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

Улар ташкилий жиҳатдан қандай ўтказилмоқда? Меҳнаткашлар йиғилишларда қандай масала ва муаммоларни кўтармоқдалар, қанақа таклиф, истаклар билдирилмоқда? 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган янги Қонун бўйича ўтказилаётган бу сайловлар илгаригиларидан нима билан фарқ қилади? Бу саволларга аниқроқ жавоб бериш учун туманларда ўтаётган сайловларнинг дастлабки таҳлилларига батафсилроқ тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Аввало шуни айтиш керакки, ўтаётган сайловларда улар иштирокчиларининг мамлакатимиз, вилоятимиз, шунингдек ўзлари истиқомат қилаётган туманларда, худудларида руй берган ўзгаришларга муносабатлари аниқ сезилмоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида сўзга чиққанлар сўнгги йиллар ичида қишлоқлар, уларга қарашли маҳаллаларда ободончилик ишларига эътибор ортганлигини, фуқаролар йиғинлари органларининг аҳоли турмуш тарзига даҳлдор масалаларни ҳал қилишдаги фаолликлари кучайганлигини эътироф этмоқдалар. Мазкур йиғилишларда кўзга ташланаётган яна бир омил жойларда бу тадбирга пухта ҳозирлик кўрилганидир. Хусусан, Чиноз туманидаги 11 та шаҳар, қўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги маҳаллаларда ўтган йиғилишларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу худуддаги 97 маҳалладан 88 тасида ўтган йиғилишлар хокимлик ўзини-ўзи бошқариш органларига алоҳида аҳамият бераётганлигини кўрсатди.

Туман қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳисобот сайлов муддати оралиғида самарали ишладилар. Маҳаллаларда қатор гузарлар барпо этилди. Ободончилик ишлари кенг йўлга қўйилди. Аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сони кўпайди. Кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари изчил ҳал этиб борилмоқда. Шу боисдан ҳам йиғилишларда 90 фоиздан ортиқ маҳалла қўмиталари раислари ўз лавозимларига қайта сайландилар. Бу ерда ўтган йиғилишларда фаоллар тугалланмасдан қолган мактаб биноларида қурилишни ниҳоясига етказиш, «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги 140 ўринли болалар боғчаси биносини қуриб битказиш, чиқинди сувларни тозалаш иншоотларини таъмирлаш, бир қатор хўжаликларда ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар киритдилар.

Шунингдек, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Зангиота, Пискент, Қуйичирчиқ, Бекобод туманларида, Паркент, Тўйтепа шаҳарларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам уюшқоқликда ўтказилди.

Бўка туманида 102 маҳалланинг ҳаммасида ҳисобот сайлов йиғилишлари ниҳоясига етди. Йиғилишларда 24 мингдан зиёд фуқаро қатнашди. Музокараларда 507 нафар киши иштирок этди. Туманда маҳалла оқсоқолларини сайлашда бу ҳудудда истиқомат қилаётган барча миллатлардан вакиллар бўлишига эътибор берилди.

Паркент тумани ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобот сайлов йиғилишида айрим фуқаролар йиғинлари ишчан, бугунги кун талабларини чуқур тушунадиган кадрлар билан мустаҳкамланди. Хусусан, тумандаги 9 та қишлоқ фуқаро йиғинларининг иккитасида раис ўзгарди. Мазкур йиғинлар раислари бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан Қорақалпоқ, Заркент қишлоқ фуқаролар йиғинларига олий маълумотли, омма билан ишлаш қобилиятига эга бўлган Олимжон Қурбонов ва Пардавой Турдиевлар сайландилар.

Шуниси эътиборга сазоворки, ҳисобот-сайлов йиғинлари демократик руҳда ўтмоқда. Йиғилишларда фуқаролар мавжуд муаммолар, камчиликлар тўғрисида очиқ-ойдин гапирмоқдалар. Муаммоларга эътибор бермаётган ташкилотларни жиддий танқид қилмоқдалар. Масалан, Ўртачирчиқ туманининг «Янги ҳаёт», «Пахтаобод», «Ўртасарой», Охунбобоев номли фуқаролар йиғинларида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари ҳақида кескин гаплар бўлди.

Охунбобоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини йиғилишида Навоий номли маҳалла қўмитаси раиси Ш. Акбаров туман йўл қурилиш идорасига кўп марта мурожаат қилишига қарамай, маҳалла кўчаларига асфальт ётқизиш тўғрисидаги аҳолининг талаби бажарилмаётганлигини айтиб, мазкур ташкилот раҳбарларини танқид қилди. Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини йиғилишида эса ҳудуд фахрийлар кенгашининг раиси Р. Аҳмедов кўпгина пенсионерлар пенсия пулини ўз вақтида ололмаётганликлари, бу кўпинча асабий ҳолатларга сабаб бўлаётганлигини таъкидлади. Янгийўл туманида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинларида ҳам сўзга чиққанлар муҳим таклифлар айтдилар, улар ўз ҳудудларида савдо, аҳолига маиший хизмат, алоқа хизматларини кўрсатиш талаб даражасида эмаслигини қайд қилдилар. Туманнинг барча қишлоқ ва қўрғон йиғинларида никоҳни қайд этиш, ўлим, никоҳдан ажралиш, туғилиш ва бошқа турдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш Тошкент вилояти «Никоҳ уйига» ўтказилиши муносабати билан туманда бу идора бўлимининг иши тўхтатиб қўйилганлигига эътироз билдирдилар. Вилоят адлия бошқармаси бу масалани кўриб чиқиши кераклигини таъкидладилар.

Вилоятда ўтаётган фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари йиғинларида билдирилаётган таклифлар, истаклар мавзуи ниҳоятда кенг эканлиги эътиборни ўзига жалб этади. Бу эса қайта сайланаётган йиғинлар раиси, маҳаллалар қўмиталари зиммасига катта масъулият юклайди. Улар туман ҳокимлиги, унинг бўлимлари, ҳудудлардаги саноат корхоналари, хўжаликлар, жамоа ташкилотларини биргаликда бу муаммоларни ҳал этишга даъват этади.

Вилоятда ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда, уларнинг ишчанлик руҳида, мавжуд қонунга амал қилган ҳолда ўтишига шак-шубҳа йўқ. Шу кунгача ўтган йиғилишлар бундан далолат бериб турибди.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

Табиат ва инсон

5 июнь — Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

УМУМХАЛҚ ИШИ

Республика Олий Мажлисининг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қўмитаси раиси Ч. А. АБДИРОВ билан суҳбат

—ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари меҳнат жамоалари, маҳаллаларда бўлганларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишини фаоллаштириш ва демак республика туманлари, шаҳарлари, вилоятларининг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича ҳукуматнинг, шахсан Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг куч-ғайратлари юксак баҳоланаётганлигининг гувоҳи бўлаётганликларини мамнуният билан қайд қиладилар. Шубҳасиз, бу ишда сиз раҳбарлик қилаётган қўмитанинг ҳам катта хизматлари бор...

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ўтган йилларда экологик тавсифдаги қатъий чораларни кўриш ёш давлатимизнинг асосий мезонларидан бири бўлиб қолди. Бу ишларнинг кўлами кегайишида, шубҳасиз, юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизматлари каттадир. У тегишли давлат идоралари, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллалардан табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига жиддий муносабатда бўлишни талаб қилмоқда. Президентимизнинг БМТ сессиясида ва давлатлар бошлиқларининг Будапешт учрашувида Орол денгизининг кечиктириб бўлмас муаммолари ҳақидаги нутқлари ана шу минтақани соғломлаштиришнинг ўзига хос дастури бўлиб қолди. Ўтган йилнинг сентябрида Нукус шаҳрида БМТ раҳнамолигида Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Қабул қилинган декларацияда бу минтақанинг экологик бўҳронини ҳал қилишнинг халқаро дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси БМТ аъзоси ҳисобланади, у бизни ўраб олган табиат муҳити бўйича халқаро конвенцияга қўшилган. Олий Мажлиснинг атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари турли хил халқаро анжуманларда, семинарларда иштирок этмоқдалар. Парламентимиз делегацияси таркибида АҚШда экология вазирлиги ходимлари билан учрашишга мушарраф бўлдим. Буларнинг ҳаммаси бошқа соҳалар қатори экологик соҳада ҳам халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун янги имкониятлар очиб беради.

Мустақил Ўзбекистонимизда фақатгина 1992 — 1993 йилларда табиатни муҳофаза қилиш юзасидан бешта муҳим қонунлар қабул қилинди. Улар орасида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун» алоҳида мавқега эгадир. Буларнинг ҳаммаси республикамизда атроф муҳит мусаффолигини таъминлашга эътибор тобора кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

—Республикамизда, шу жумладан, вилоятимизда алоҳида муҳофаза қилинаётган табиий худудлар бор. Улар ҳақида махсус қонун қабул қилинган. Бу қонун қандай бажариляпти, бундай ҳудудларнинг экологик ҳолати қандай?

— Ўзбекистонда ниҳоятда ноёб қатор табиий мажмуалар бор. Уларнинг вазифаси фақат ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генетик фондини сақлаб қолишдангина иборат бўлмай, шу билан бирга атроф муҳитни яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришдан ҳам иборатдир. Тошкент вилоятидаги Бўстонлиқ ва Паркент туманлари бой табиий иқлим ресурсларига эга. Бу ерда меҳнаткашларнинг оммавий дам олишини, соғломлаштиришни ташкил этиш, сайёҳликни ва бошқа қатор спорт турларини ривожлантириш мумкин. Ўгом — Чотқол қўриқхонаси республикамизнинг ҳақиқий миллий бойлиги ҳисобланади. Ўгом-Чотқол давлат миллий боғини барпо этиш билан ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ноёб генофондини сақлаш масалалари ўз ечимини топди. Олиб брилаётган илмий-тадқиқот ишларида халқаро ташкилотлар ҳам қатнашмоқдалар. Боғ ҳудудида чорва молларини боқиш чеклаб қўйилган. Фарғона водийси, Қирғизистон ва Тожикистондан бу боғ орқали чорвани ҳайдаб ўтиш тақиқланди. Йирик чорвачилик мажмуаларини қуриш ҳам барҳам топди.

Чотқол давлат табиий биосфера қўриқхонаси шундай қўриқхоналар халқаро соҳасининг бир қисми деб тан олинди ҳамда унга ЮНЕСКОнинг сертификати топширилди. Бу республикамиз учун фахрланса арзийдиган ҳолдир. Мен маҳаллий ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш идоралари ва албатта табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг эътиборини алоҳида муҳофаза қилинаётган бу худудларда табиатни қўриқлаш бўйича ишлаб чиқилган дастурларнинг амалга оширилишига амалий ёрдам кўрсатиш лозимлигига қаратмоқчи эдим.

— Ёз сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини ниҳоятда қатъий қўяди, у белгиланган мезонларга мувофиқ бўлиши лозим. Бу соҳада Тошкент вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳақида нималар дея оласиз, уларга қандай баҳо берасиз?

— Бу масалани тартибга солиш бўйича муҳим ҳужжат — Ўзбекистон республикасида сувдан фойдаланишни лимитлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарор чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ унинг сув ресурсларидан, айниқса, қишлоқ хўжалигида тежаб-тергаб фойдаланиш ва тартибга солишдаги катта аҳамияти сезилиб турипти.

Тошкент вилоятидаги 600 та корхонадан 500 дан кўпроғи сувдан фойдаланиш бўйича махсус рухсатнома олган. Уларнинг 250 таси қишлоқ хўжалиги объектларидир, корхоналарнинг 85 фоизи сувдан фойдаланиш ҳуқуқини олдилар ва нормаларини ишлаб чиқдилар. сувни қайта ишлатиш оби-ҳаёт ресурсларини тежашда катта аҳамиятга эгадир. Бу иш Чирчиқ шаҳри корхоналарида фаол олиб борилмоқда. Умуман, саноат корхоналари чиқараётган газларни тозалашнинг янгича техник ечимлари ва анча самарали усулларини жорий қилиш бўйича ахборотлар банкини тўплаш ишлари олиб борилмоқда. Экологлар, олимлар — ишлаб чиқувчилар, ишлаб чиқарувчилар — жорий қилувчилар билан махсус учрашувларда янги ишланмалар билан танишмоқдалар. Масалан, республика автомобил транспорти вазирлиги билан ҳамкорликда «Экология: муаммолар ва транспортда уларни ҳал қилиш йўллари» мавзуида семинар ўтказилди. Унда транспорт корхоналари вакиллари Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари, ҳатто Украинадан келган олимлар — ишлаб чиқувчилар қатнашдилар.

Бухоро вилоятида республика Фанлар академиясининг сув муаммолари институти олимлари билан бирга Денгизкўл кўлини вилоятдаги оқава сувларни тўпловчи сиғим сифатидаги экологик ҳолатини олдиндан билиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Шунингдек, бу ерда қум барханларини мустаҳкамлаш ва уларни қўйчилик учун яйловлар сифатида сақлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди, ўсимликларнинг яйловларни биологик тиклашдаги аҳамияти исботланди. Жиззах вилояти экологлари «Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ернинг емирилишига қарши кураш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг ўтказилишига ёрдам берди.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси республика ҳукумати билан бирга республикада ягона мувофиқлаштириш марказини барпо этиш масаласини кўриб чиқиши лозим. У фан томонидан тавсия этилган ҳамда ишлаб чиқаришда синовдан ўтган ишланмалар,лойиҳаларни умумлаштириш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланиши лозим. Шунингдек, республикамизда чанг, газ, сувни тозалайдиган ностандарт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи завод ҳамда табиатни муҳофаза қилиш иншоотларини қурйш билан шуғулланувчи қурилиш трести барпо этиш керак. Маъданли ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш учун қулай омборхоналар, қишлоқ касалхоналарида тозалаш иншоотлари қурилиши масалалари ҳам долзарб бўлиб турипти. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг саломатлиги билан боғлиқлигини эсдан чиқармаслик лозим.

— Республиканинг қайси жамоат ташкилотлари табиатни муҳофаза қилиш, аҳолини экологик тарбиялаш муаммоларини ҳал қилишда фаол қатнашмоқдалар?

— Мен биринчи навбатда ҳозирги вақтда халқаро миқёсга чиққан «Экосан» жамғармасини тилга олишни истар эдим. Бу жамғарма республика телерадиокомпанияси, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари таҳририятлари билан биргаликда бундан уч йил илгари «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танлови ўтказиш тўғрисида таклиф билан чиққан эди. Ташаббусни республика Вазирлар Маҳкамаси маъқуллади. Ўзбекистон давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаол қўллаб-қувватлади. Бу тадбир жойларда экологик аҳволни яхшилаш, худудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда катта роль ўйнади ва яхши анъана бўлиб қолди.

Бу йил 1 июндан бошлаб «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси бўйича Қибрай туманида республикада экология ва саломатлик кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. У атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунларига бағишланганлиги билан диққатга сазовордир.

— Сиз билан халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни арафасида суҳбатлашиб турибмиз. Шу кунларда яна қандай эътиборга сазовор ишлар амалга оширилади?

— Ўзбекистоннинг ҳамма жойида қадимги ажойиб халқ анъанаси — худудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича ҳашарлар ўтказилади, маданий-оммавий тадбирлар амалга оширилади. Йўлларда «соф ҳаво» операциялари давом этади. Албатта, бу кунларда табиатни муҳофаза қилиш ишида алоҳида намуна кўрсатган ҳамюртларимизнинг хизматлари тақдирланади.

— Ҳурматли Чоржов Абдирович, Тошкент вилояти газетхонлари, барча табиат ихлосмандлари номидан Сизни ва сиз орқали Ўзбекистон табиатининг барча ҳимоячилари ва дўстларини ер юзи халқларининг ажойиб байрамларидан бири бўлган Атроф муҳитни муҳофаза қилиш халқаро куни билан қизғин табриклаймиз.

— Катта раҳмат.

Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг жамоатчи мухбири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Чармиан ПЕРЕПЕЛИЦИНА олиб борди.

ШАНБАЛИКЛАР, ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ, УЧРАШУВЛАР

ШАҲРИМИЗДА атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунларига бағишланган экология ва саломатлик кунлари ҳар томонлама мазмунли ва самарали ўтмоқда.

Республикамиз миқёсида ўткази-лаётган бу муҳим тадбирга олдиндан тайёрга-рлик кўрилди. Ҳамма корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳудудлар турли ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларидан тозаланди. Бу ишлар халқимизнинг қадимги ажойиб анъанаси — ҳашар асосида амалга оширилди.

Шу кунларда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари биокимё заводи, туман қишлоқ хўжалик кимёси, ғишт заводида, «Ниёзбош» жамоа хўжалиги, қатор бошқа меҳнат жамоалари ҳузурига бориб, минтақанинг экологик аҳволи, уни яхшилаш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Болалар боғчалари, мактабларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунларига бағишланган эрталиклар ўтмоқда. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида шу кунларга атаб тайёрланган турли бадиий-оммавий тадбирлар уюштирилмоқда.

В. МАҲМУДОВ,

Янгийўл минтақа табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1996 йил 5 июнь • № 44 (10.819)

• Текширишлар, нуқсонлар, хулосалар •

ИККИ ТАРМОҚ ТАҲЛИЛИ

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг навбатдаги мажлисида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Кимё мажмуи корхоналарида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича иш аҳволи ҳамда қўмитанинг ўтган йилнинг апрелида «Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг вилоят худудида жойлашган корхоналари томонидан атмосферага зарарли моддаларни чиқаришни камайтириш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида» қабул қилган қарори ижросининг бориши муҳокама қилинди. Муҳокамада қатор корхоналарнинг раҳбарлари ва бош мухандислари, атроф муҳит мусаффолигини таъминлаш билан шуғулланувчи ходимлари, жойлардаги табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари нозирлари қатнашдилар.

Мажлисда таъкидланганидек, айрим энергетика корхоналарида табиатни муҳофаза қилиш фаолияти анча жонланди. Унинг муаммолари билан амалда шуғулланилмоқда. Экологик аҳволни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширияпти.

ҚАРОР ИЖРОСИ — МУҲОКАМАДА

Буни Тошкент Давлат туман электр станцияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Станция директори В. Ёдгоров ўз сўзида шулар ҳақида батафсил тўхталди. Ўтган йили станция ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 16 фоиз кўпайтиргани ҳолда зарарли моддаларни атмосферага чиқаришни анча қисқартирди. Унинг камайиши олдинги йилдагига нисбатан 1100 тоннани ташкил этди. Ишлаб чиқарувчилар билан экологлар ҳамкорликда ишлаб чиққан тадбирларни бажариш юзасидан назоратнинг кучайганлиги шунга олиб келди. Жорий йилга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ишлари режасида зарарли моддаларни босқичма-босқич камайтириш назарда тутилган. Айни вақтда нурхона раҳбарлиги материаллар етказиб берувчи корхоналар олдига ҳам муаммолар қўйиб, уларнинг ҳал қилинишига эришмоқда. Жумладан, мазут етказиб берувчилардан бундай ёнилғи таркибида олтингугурт миқдорини камайтиришни талаб қилмоқдалар. Шундай қилинса, зарарли моддаларнинг ҳавога чиқиши камаяди.


Тошкент нурхонасини газ ёқилғисига ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бу атроф муҳит мусаффолигини таъминлашга ҳам бебаҳо ёрдам берган бўлур эди. Бироқ корхона маъмурияти бу масалани ўз кучи билан ҳал қила олмаяпти. Энергетиклар бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ёрдам бериши лозимлигини таъкидладилар.

Олмалиқда «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқиндилар, шу жумладан, фосфоганчни қайта ишлашнинг технологияси яратилди. Бирлашма бош инженери М. Ахмедшин шу ҳақда ахборот берар экан, бундай чиқиндидан ёпиштирувчи хом ашё тайёрланиши мумкинлигини айтди. Уни ғишт, блоклар ва бошқа шу каби деворбоп материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, корхонада минерал ўғитлари, заҳарли кимёвий моддаларни қадоқлаш учун полиэтилен қопларини тайёрлаш ҳали ўзлаштирилди. Лекин, бундай маҳсулот ҳам харидорини тополмаяпти. Кўпчилик ишлатувчилар юкларни идишсиз ташишни афзал кўрмоқдалар. Бу ишда биз мутасадди ташкилотларнинг ёрдамини истардик. Бундан ташқари, жамоамиз қаттиқ чиқиндиларни паспортлаштириш учун шартнома тузди.

Мажлисда зарарли моддаларни атроф муҳитга чиқариш меёрларини ишлаб чиқишга ваколатли республика идоралари, фан намоёндалари жалб қилиниши лозим, деган фикр ҳам олдинга сурилди. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир тоннаси ҳисобига зарарли моддаларни чиқаришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меёрларни ишлаб чиқиш бўйича таклиф ўртага ташланди. Чунки айрим корхоналар ўз қувватини анча кам фойдаланган ҳолда зарарли моддаларни атрофга чиқаришда тўла қувват билан ишлагандаги меёрларга риоя қилмоқдалар. Аслида бу тўғри эмас. Шунга яраша чиқинди чиқариш меёри ҳам камайтириб белгиланиши лозим. Бироқ корхоналар раҳбарлари бундан ўзларини олиб қочмоқдалар, уни тан олишни истамаяптилар. Чунки бундай аҳвол корхона раҳбарларига жуда қўл келмоқда. Шунинг учун улар чиқиндилар миқдорини ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажмига нисбатан белгилашга кўнмаяптилар. Мажлисда таъкидланганидек, бу масалани пухта ўйлаб кўриш лозим.

Атроф-муҳит мусаффолигига тобора катта эътибор берилаётган ҳозирги вақтда бевосита табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари қатори корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг ҳам экологик билимини ошириш, бу соҳа бўйича малакасини такомиллаштириш масаласи ҳам юзага келмоқда. Шунинг учун уларни ўқитиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Экологларни ва корхоналар ходимларини ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган дастурни янги талабларни ҳисобга олиб тезроқ рўёбга чиқариш вақти келганлиги қайд қилинди.

Қўмита мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Вилоятимизнинг табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари бугунги ўз байрамларини муносиб нишонламоқдалар. Атроф муҳит мусаффолиги учун тинмас курашчилардан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари Иван Стефанович Кульбацкий ва Чирчиқ минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Акром Рисқимовлар навбатдаги ишлар ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Жойлардан хабарлар

ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

• ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги 51-ўрта мактабда ўқувчиларнинг экология тарбияси яхши йўлга қўйилган. Бу муҳим ишда фақат дарслар билан қаноатланилаётгани йўқ. Кўпинча амалий машғулотлар уюштирилиб, уларда табиат муҳофазаси билан боғлиқ масалалар ўқувчиларнинг фаол иштирокида кўриб чиқилмоқда.

Вилоят биология ўқитувчиларининг экологик мавзуга бағишланган семинар-симпозиумини ўтказиш учун шу ўқув маскани танланганлиги ҳам бежиз эмас. Унда вилоятдаги қатор табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари, Туябўғиз шаҳарча кенгаши вакиллари, мактаблар директорлари ва биология ўқитувчилари қатнашдилар ҳамда мактаб ўқувчилари ўртасида экология таълимини янги поғонага кўтариш билан боғлиқ бўлган муаммоларни муҳокама қилдилар. Шу хусусда қатор маърузалар тингланди, фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашилди, етилган масалаларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

• ОҲАНГАРОН шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон халқ демократик партиясининг шаҳар қўмитаси, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Экосан» жамғармаси бўлинмаси ҳамда «Оҳангарон ишчиси» таҳририяти «Экология ва саломатлик» мавзуида танлов эълон қилдилар. Унинг ғолиблари турли миқдордаги пул мукофотлари билан тақдирланадилар. Бунинг учун бешта мукофот таъсис қилинди. Бу беллашувда ғолиб чиққан жамоага биринчи даражали 3 минг сўмлик пул мукофоти берилади. Иккинчи мукофот 2 минг сўм, учинчи мукофот бир минг сўм қилиб белгиланди. Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш масалалари кенг ёритилганлиги учун, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганлик учун 4 та рағбатлантирувчи мукофот берилади.


ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

БЎСТОНЛИҚ туманидаги қатор саноат корхоналари табиатга озми-кўпми зарар келтирувчи манбалар бўлиб келган ва бу аҳвол ҳозир ҳам давом этмоқда. Шулардан бири «Энергоқурилишиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобланади. Бу ерда кўплаб қурилишлар учун турли-туман темир-бетон конструкциялари ва бошқа бинокорлик материаллари тайёрлаб берилади. Корхона ҳозирги қийин иқтисодий шароитларда ҳам ишлаб чиқаришни давом эттиряпти.

Лекин, бу ерда табиатни муҳофаза қилиш ишларига етарли эътибор берилмаётганлиги ачинарли бир ҳолдир. Унга қарашли бўлинмалар ўз ишлаб чиқариш чиқиндилари билан атроф-муҳитни кўплаб ифлос қилмоқда. Кейинги вақтларда корхонадаги лойқа тиндиргичлар ҳам кўнгилдагидек ишламай қўйди. Уларни ишлатиш технологиясидан четга оғишлар тез-тез содир бўлмоқда. Натижада ишлаб чиқаришда ишлатилган оқавалар кўпинча умуман тозаланмасдан сув ҳавзаларига оқизиб юборилмоқда.

Корхона маъмуриятининг бундай лоқайдлиги жазосиз қолмаяпти. Биз неча бор қилинган огоҳлантиришлар унинг раҳбарларига кор қилмади. Фақат қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмадилар. Ниҳоят тоқати тоқ бўлган табиатни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг қаттиқроқ жазо чорасини қўллашдан бошқа иложлари қолмади. Оқаваларни тозаламасдан Чирчиқ дарёсига ташлаб юбориш билан табиатга келтирилган зарар ҳажми ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун товон пули ундиришга қарор қилинди. Корхона раҳбарияти устидан 92 минг 253 сўм товон пули тўлаш ҳақида ҳужжат расмийлаштирилди. Ваҳоланки, шунча маблағнинг бир қисмини сарфлаш билан тиндиргичларнинг талаб даражасида ишлашига эришиш мумкин эди. Ҳа, лоқайдлик корхонага, айниқса, ҳозирги шароитда жуда қимматга тушди. Лекин, бошқа чораси қолмади. Энди корхона раҳбарияти пушаймон бўлмоқда, лекин, бундан фойда йўқ.

М. МАҲМУДОВ.



Ўрмонлар — бебаҳо бойлик

МИЛЛИЙ БОҒ МЕҲР ИСТАЙДИ

Бўстонлиқ тумани ўзининг бетакрор сўлим табиати, зилол сувлари, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан оғизга тушган. Шу сабабли ҳам худуд тўлалигича давлат ҳимоясига олиниб, унга миллий табиат боғи мақоми берилди.

Экологияни соғломлаштиришга давлат томонидан катта эътибор берилаётган ҳозирги пайтда бу ўзига хос муҳим бир тадбир бўлди.

Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз миллий табиат боғининг бош давлат нозири Собир Йўлдошевга табиатни авайлаб-асраш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан қатор саволлар билан мурожаат қилдик.

— Собир Йўлдошевич, мана, Бўстонликка миллий табиат боғи мақоми берилганига ҳам 5 йилдан ошди. Шу даврда табиат муҳофазаси бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

— Аввалом бор шуни таъкидлашни истардимки, табиат боғи мақоми берилиши ишнинг боши бўлди. Фақат шу билан табиатни асраб бўлмайди. Бунинг учун унинг ижроси, одамларнинг эътибори ва жонкуярлиги лозим. Миллий боғнинг ташкил этилишидан мақсад ҳам табиат муҳофазасини кучайтириш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини кўпайтириш, ҳеч бўлмаганда уни ҳозирги ҳолича келажак авлодга етказиб беришдан иборатдир.

Миллий табиат боғимизнинг умумий майдони 574600 гектар бўлиб, бунга туманимиздан ташқари Паркент, Оҳангарон туманларининг тоғли минтақалари ҳам киради. Боғимиз алоҳида муҳофаза зонаси ҳисобланади. Бу худудда «Қизил китоб» га киритилган 50 дан ортиқ ўсимлик тури, 30 дан ортиқ табиий ҳимояга олинган ғорлар, шаршаралар, тарихий жойлар бор.

Ўтган йили 977 марта рейд ўтказилиб, табиат муҳофазасини бузганларга нисбатан 155 та баённома тузилди. Шу жумладан, ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини бузганлар устидан 19 та баённома тузилиб, 6 та милтиқ, 4 та балиқ овлаш тўри, 2 та электр қармоқ ва 1 дона резина қайиқ мусодара этилди. 1995 йилда ундирилган жарима ва товон миқдори 25.578 сўмни ташкил этди. Ўрмон ресурсларидан фойдаланилганлик учун дам олиш масканларидан 312 минг сўм бож ундирилди. Миллий боғ ғазнасига жами 461,6 минг сўм даромад туширилди.

— Маълумки, фақат ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси эмас, балки сув ҳавзаларининг тозалигини таъминлаш ҳам вазифангизга киради. Бу борада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда.


— Биз томонимиздан берилган кўрсатмага асосан сув ҳавзаси минтақасига жойлашган Бўстонлиқ автосаройи кўчирилди, Чорбоғ шаҳарчасидан Чирчиқ дарёсига тушаётган оқава сувларини тозалаш йўлга қўйилди. Ғазалкент озиқ-овқат ва шароб ишлаб чиқариш заводининг чўчқахонаси жойи ўзгартирилди, Чимёндаги болалар сиҳатгоҳида, «Геолог» болалар оромгоҳида оқава сувларни тозалаш иншооти ишга туширилди. Чимён сил касалликлари сиҳатгоҳи юрак касаллигини даволайдиган сиҳатгоҳга айлантирилди. Чорбоғ сув омбори минтақасига жойлашган портлагич моддалар омборхонаси кўчирилди. Айни пайтда «Кумушкон» саёҳлик базасида ва «Сўқоқ» оромгоҳида оқава сувларни зарарсизлантириш ишлари амалга оширилмоқда.

— Ҳозирги пайтда табиатга зарар етказишнинг қандай ҳоллари кўпроқ учрамоқда?

— 1996 йилнинг 1 январига қадар рейдларда аниқланган ва табиатга етказилган зарар миқдори 452 минг сўмликни ташкил этди. Айниқса, дарахтларни ўтин учун кесиш, шифобахш ўсимликларни юлиб пайхон этиш, балиқ ва ноёб ҳайвонларни ноқонуний овлаш ҳоллари кўпроқ учрайди.

Ҳозирги кунда лолаларни, мадор ва равочни шафқатсизларча юлиш кўзга ташланмоқда. Биз бундай кимсаларни жойида ушлаб, белгиланган тартибда уларга жарима солсакда, бундай кўнгилсиз ҳоллар камаймаяпти. Энг афсусланарлиси шундаки улар лолаларни сўлитиб, ярим йўлда ташлаб кетадилар. Бир пайтлар чет эллик сайёҳлар Чимёнга олиб борувчи йўлнинг икки четидаги лолаларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашарди. Ҳозир эса, бундай лолазорларимиз қолмади. Бу йил ана шундай қонунни бузувчилардан 3 нафарининг иши судга оширилди.

Дарахтларни кесишда ҳам шундай шафқатсизларча муносабатларга дуч келинмоқда. Шуҳрат Холмуродов деган шахснинг ўзи Бурчмулла ўрмон хўжалигининг участкаларидан бирида ишлайди. У участка бошлиғининг буйруғига кўра кўкариб турган дарахтни кесган. Унга 150 сўм жарима ва 1223 сўм товон пули солинди. Табиат қўриқчиси шундай қилиб турганда, бошқалардан нима кутиш мумкин.



Мафтункор Чорвоқ сув омборида.

Маълумки, дарахтлар ерларни эррозиядан сақлашда, ер кўчкинларнинг олдини олишда асосий воситадир. Аммо, биз буни ҳамма вақт ҳам тушуниб етмаяпмиз. Масалан, «Сойлиқ» жамоа хўжалигининг тепалик қисмида ер сурилишининг олдини олиш мақсадида зиналар усулида дарахтлар экилган эди. Аммо, бу хўжалик бошқаруви ўз қарорига кўра ушбу дарахтзорларни йўқ қилиб, ўрнига ғалла экди. Аммо, Оллоҳ кўрсатмасину, дарахтзорларнинг кесилиши оқибатида ер сурилса, бунинг оқибати аянчли бўлмасмикан?

— Энди ечилишини кутаётган муаммолар ва келгуси иш режаларингиз ҳақида қисқача тўхталсангиз.

— Бизни анчадан буён бир муаммо қийнаб келади. У ҳам бўлса ерга эгалик ҳуқуқини битта ташкилотга юридик жиҳатдан бериш масаласидир. Ҳозир биз фаолият кўрсатаётган миллий табиат боғи ҳудудининг эгаси кўп. Деярли ҳамма хўжаликлар ўзларига қарашли ерларда, ўзларича иш юритишади. Масалан, бир хўжалик ўз худудининг маълум қисмида мол боқишга рухсат берса, биз буни бекор қилолмаймиз. Чунки, ернинг ҳақиқий хўжайини у. Агар ерга эгалик ҳуқуқи бизга юридик жиҳатдан бериб қўйилса, унда ҳаммаси учун биз жавоб берамиз. Бу масала ҳал бўлиб қолса, ажаб эмас. Ҳаёт шуни тақозо этмоқда. Шундай қилинсагина режаларимизни тўла амалга ошириш имкони ҳам туғилади. Ҳудудимизда сайёхликни ривожлантириш, дам олиш масканлари барпо этиш, сайёҳлар учун қулай шароитларни яратиш ва чет эл инвестициясини ҳам жалб қилиш каби яхши ниятларимиз бор. Бунинг учун миллий боғ эҳтиёжларини ҳисобга олиш, юқорида тилга олинган ва бошқа муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш лозим.

Суҳбатдош: Иззатилла ПИРМАТОВ.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИЛАР

Бу автотранспорт корхонасида бўлсангиз, атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш ишлари кўнгилдагидек олиб борилмаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Буни сувни ишлатишда ҳам кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш бўлганидан кейин об-ҳаётдан фойдаланиш табиий, лекин, бунда қонунларни бузмаслик, уларга зид иш қилмаслик лозим. Афсуски, Қуйичирчиқ туманидаги бу 81-автотранспорт корхонасида шундай бўлмаяпти. Аввало, корхонада сувдан фойдаланиш бўйича махсус рухсатнома ҳамон олинмаган. Бунинг устига сувдан фойдаланишда йўл қўйилган ва илгари аниқланиб бартараф этиш ҳақида кўрсатма берилган камчиликлар ҳамон давом этмоқда. Бундай ҳол ўзининг қатъий баҳосини олди. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари корхона раҳбариға нисбатан қонуний чора кўрдилар. У ўз ҳамёнидан бир минг икки юз сўм жарима тўлаш билан жазоланди.

Шунга ўхшаш камчиликлар «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида ҳам аниқланди. Бу ерда ҳам сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома олинмаган. Сув сарфи ўлчагичлари ўрнатилмаган, об-ҳаёт ресурсларидан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Жамоа хўжалиги раисига Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик кодексининг 74-бандига асосан 1200 сўм жарима солинди.

Жалолиддин ҚУДРАТИЛЛАЕВ,
Сув ресурслари муҳофазаси бўйича давлат нозири.

«ЮЗТАСИ КЕСИЛСА, МИНГТАСИ ЭКИЛСИН»

Теракзорлар кўпаяверсин!

ПАРКЕНТ деганимизда кўз олдимизда ўзгача манзара намоён бўлади. Бу диёр йилнинг тўрт фаслида ҳам мафтункор.

Ҳа, бу туман об-ҳавосининг мусаффолиги жиҳатидан бошқа ерлардан ажралиб туради. Унинг шаҳарча ва қишлоқларида истиқомат қилувчиларнинг тўла маънода ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ихлосмандлари дейиш мумкин.

Дарахтлар ҳам қарийди, қуриб қолади, касалланади. Бундай ҳолатларда улар, албатта, қирқилади. Қуриган дарахт хосиятсиз бўлади, табиат кўркини бузади, касалланганлари эса бошқа дарахтларнинг ҳам хасталанишга олиб келади. Шу сабабли уларни илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлашга тўғри келади.

Лекин, бу иш ҳам Паркентда пала-партиш олиб борилмайди, муайян тартибга риоя қилинади. Кесишдан осони йўқ, битта-иккита дарахт қирқиб ташланса, атрофга билинмаслиги мумкин. Лекин, ҳар йили юқоридаги сабаблар билан ўнлаб, юзлаб дарахтлар кесилса, табиатнинг камбағаллашишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам туманда «Юзтаси кесилса, мингтаси экилсин» шиорига амал қилинади. Ҳар йили минглаб шундай манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Натижада дарахтзорлар кенгаймоқда, мевали боғлар янги-янги майдонларни эгалламоқда.

Туманда қимматли қурилиш материали ҳисобланган ёғоч-тахта берувчи маҳаллий дарахтларни кўплаб экишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун теракзорлар барпо этилмоқда. Ҳар йили ками билан юз минг туп терак кўчати экиш анъана бўлиб қолди. Бунинг учун деҳқончилигимизда фойдаланилмаётган ер майдонлари танланмоқда.


Эндиликда экилган бундай ёғочбоп дарахтларни тумандаги барча хўжаликларда кўриш мумкин. Республикамиз мустақиликка эришган йилда экилганлари иморатбоп бўлиб қолди. Теракларнинг етилганлари турли хўжалик бинолари, уй-жойлар қурилишида ишлатилмоқда. Туманда янги теракзорлар барпо этишнинг узоқ йилларга мўлжалланган режасини амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бундан буён ҳам янада кенг кўламда дзвом этаверади, деб ишонамиз.

С. ҲАМИДОВ.

Бўстонлиқ тоғларида кўпгина ғорлар бор. Уларни ҳам ўз ҳолида сақлаш керак. Лекин маҳаллий аҳоли бундай ғорларнинг айримларидан чорва учун фойдаланиб, табиатга зарар келтирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.






ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1996 йил 5 июнь № 44 (10.819)

• Бу ажиб дунё • Билиб қўйсангиз нафи тегади



Тошкент тимсоҳлари. Уларни суратчи Аминжон МАМАДАМИНОВ «Тошкент-Ленд» боғида тасвирга туширган.

ЧАНГАЛЗОРЛАР «МАЛИКАСИ»

Қизалоқнинг исми — Типпи. У бор-йўғи беш ёшга кирган ва миллионлаб болалар орзу қилганидек, бамисоли эртак оламида яшайди. Типпи чангалзорларнинг ҳақиқий маликаси, бунинг устига у ниҳоятда довюрак, Тарзанга ўхшайди.

Башарти Мауглининг синглиси бўлганида эди фақат Типпи бўларди. У француз ота-оналари — суратқаш сайёҳлар туфайли Жанубий Африка саванносига келиб қолган.

Ҳали юришни ҳам дурустроқ ўрганмаган Типпи сузишни эгаллаб олган эди. У ҳовузда эмас, тимсоҳлар тўлиб-тошиб ётган илиқ сувли саёз қўлтиқларда чўмиларди. Бундай пайтда отаси доим ёнида милтиқ билан турарди. Бироқ бирорта ҳам тимсоҳ унга кўз олайтирмасди. Типпи тўққиз ойлигидаёқ юриш ва сакрашни ўрганиб олди. У яйдоқ қуруқ ерни спорт залидан афзал кўради.

Оила кўчманчи ҳаёт кечирарди. Деярли ҳар бир тунни янги жойда ўтказарди. Унинг икки йилдан бери саваннада айланиб юраётган ота-онаси ёввойи ва ажойиб дунёни яхши ўрганишган. Барибир шунга қарамай улар бу ерда бегоналар. Типпи учун эса бу ер уй, унда ўзини ишончли ва яхши ҳис қилади. Абу лақабли фил унинг туғишган «акаси», Каа бўғма илони энг яхши «дўст»дир. Кимдир Каа ҳақида ноўрин гапирса, қизи тушмагур худди илонга ўхшаб вишиллаб қўяди. Бу барча жониворлар тилида гапирадиган Мауглини эслатади. Типпининг яна бир «дўсти» бор, у буқаламундир. Типпи унинг ҳаётини сақлаб қолган эди.

— Биз Типпига махсус ҳеч нарса ўргатмаганмиз, — дейишади унинг ота-онаси. — Қизалоғимиз ажойиб ҳис-туйғуга эга. Аксинча биз «чангалзорлар қонунлари»га амал қилишни ундан ўрганамиз, уларни Типпи жуда яхши эгаллаган. Қадимги табиат дунёси ажабтовур бўлиш билан бирга унинг хавф-хатарлари ҳам тўлиб-тошиб ётипти. Типпи шундай хавф-хатарлар ичида ўсди, лекин, шунга қарамай ҳеч қачон уни ёввойи ҳайвонлар орасида ёлғиз қолдирмаймиз. У ўзини ҳайвонлар билан тенг тутади, янглишиши мумкин эмаслигини ўзи ҳам тўла ҳис қилади. Шу сабабли хатоларга йўл қўймайди, бунинг учун ҳаққи йўқлигини билади. Типпи ҳали тили чиқмаган пайтда қоплон билан қандай муносабатда бўлишни, ҳеч вақт қоплонга орқани қаратмаслик, унинг кўзларига тик қараб туришни биларди. Кунлардан бир кун улкан бир қоплон унга ола қараш қилганида Типпи унга тарсаки қўйиб юборди. Ваҳший ҳайвон эса кўрққанича тисарилди. Ваҳоланки, қоплон бундай таҳқирланишни ёшлигида ва фақат онаси томонидан бўлсагина кўтарарди.

Олимлар беш ёшли қизчанинг ҳайвонот дунёси устидан «ҳукмронлиги» сирини аниқладик, деб ҳисоблайдилар. Типпи ҳеч вақт «кўрқиш феъли»ни умуман билдирмайди. Инсон кўрқишини фош қилувчи аломат — адреналиннинг кескин ортишидир. Унинг ҳиди ваҳший олдида ўз қурбони турганлигини маълум қилади. Типпи ҳеч вақт кўрқишга ўрганмаган ва у бунинг нималигини тамомила билмайди.

Материалларни Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.

АМЕРИКАЛИКЛАРГА ХОС

• «Сиз оддий инсонмисиз» китобининг муаллифи Бернис Кэннер америкаликларга хос бўлган айрим ҳислатларни аниқлади. АҚШда яшовчи эркак кишиларнинг 60 фоизи жамоат жойларида тупиришга уялмайди. Жинсидан қатъий назар, ҳар тўртинчи киши доимо қаергадир навбатсиз тиқилишга уринади. Америкаликларнинг 26 фоизи солиқ декларациясини тўлдиришни эсдан чиқариб қўяди. Ваҳоланки, бу «одати» билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ярмидан кўпроғи тортиқ қилинган совғага «иккинчи умр» бахш этади, яъни уларни бошқаларга тортиқ қилиб юборади. Деярли учдан икки қисми ўз бошлиғини алдайди — меҳнат ҳафтаси ўртасида қўшимча дам олиш учун ўзини бетоб кўрсатади.

«ВЕНЕРА» СОВҒАСИ

• ВЕНЕРА номли сигир ҳаммани таажжубга солди, деб ёзади «Земля нижегородская» газетаси. Ҳамма гап шундаки, бу жонивор ўз эгасига бир йўла уч бузоқ совға қилди. Ахир, бундай ҳоллар сигирларда ниҳоятда камдан-кам учрайди. Чувмайдон қишлоғи аҳолиси илгари бирор марта ҳам шундай ҳодиса содир бўлганлигини эслашолмайди. Оддий сигир бир «кўз ёришида» эгаси И. Сочневга икки урғочи ва битта эркак бузоқчалар туғиб берди. Бузоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Ҳар тўғрида

ҚАССОБНИНГ ТАВБАСИ

• ИОРДАНИЯ пойтахти мавзеларидан бирининг аҳолиси ўртасида бир бегона бола конверт улаша бошлади. Қизиққан кишилар унинг ичини очиб қарар эканлар, ҳайрон бўлишди. Чунки, конверт ичида хат бўлиб, унга фақат қуйидаги тавба-тазаррук сўзлари ёзилган эди: «Бу ерда узоқ вақт мен фирибгарлик билан ортиқча олинган пул солинган. Мумкин бўлса мени кечиришингизни илтимос қиламан». Тўғри, конвертда дурустгина миқдорда пул ҳам бўлар эди.

Бундай «саҳий» инсон гўшт дўконининг собиқ эгаси экан. У олти йил давомида ўз мижозларига хизмат кўрсатганида гўштнинг ҳам миқдоридан, ҳам пулидан урган эди. У ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўзидан ўзи илгари алдаган мижозлари олдида тавба қилиш ва гуноҳларидан кечишни сўраб, мурожаат этишга қарор қилган. Айтишларича, гуноҳ қассобнинг виждонини уйғотган, акс ҳолда бирон кимса уни бундай қилишга мажбур этолмаган бўларди.

ДУМИ ҚАНЧА ТУРАДИ?

• Бир юан деб, жавоб беришади ҳозир Хитойда. Зеро Шеньян шаҳрида унга шундай баҳо қўйилган. Шимоли-шарқдаги Ляонин вилояти пойтахти бўлган бу шаҳар бошқарувига олиб келинган ҳар бир каламуш думи учун юқоридаги миқдорда пул тўлашади. Афтидан, бу нарх дурустгинага ўхшайди, шунинг учун каламуш думини топшириш кўлами кенгайиб бормоқда.

Шу йилнинг март ойидан бери шаҳарда 400 минг махлуқ ўз думидан жудо бўлди. Шаҳардаги тегирмонда ишловчи ходимларнинг бири тутиб, думини узган каламушлар сони олти мингтадан ошиб кетганлигини кўрсатувчи ашёвий далилларни тақдим этди. Шундай бўлса ҳам шэнянчилар Шенчжен аҳолисига ҳавас билан қарайдилар, чунки бу шаҳарда ҳар бир каламуш думи учун беш баравар кўп ҳақ тўланмоқда. Бу ҳам дон зараркунандаларига қарши олиб борилаётган кенг қамровли курашнинг бир йўналишидир.


БИР ЙИЛ ЎТГАН БЎЛСА ҲАМ


Чилангарлар Эжви (Коми республикаси) шаҳридаги кам оилаларга мўлжалланган ётоқхонада канализация тармоқларини текшириб юришарди. Хоналардан бири эшигини қанча тақиллатишмасин ичкаридан ҳеч қандай садо чиқмади. Бундан улар ҳавотир бўлдилар. Хонани албатта очиш ва иситиш тармоқларини назоратдан ўтказиш керак эди. Шу сабабли эшикни бузишга қарор қилдилар. Остонадан ичкарига қадам қўйишлари билан тақка тўхтаб, жойларида қотиб қолдилар. Не кўз билан кўришсинки, хона ичида мурда ётарди. Бироқ, у чиримаган эди, фақат қуриб қолган эди. Ваҳоланки, тиббиётчиларнинг гувоҳлик беришларича унинг оламдан ўтганига бир йилча бўлиб қолганди. Бундай ғайритабиий ҳолатнинг сабаби шунда эдики, бу хонада истиқомат қилган инсон ҳаётида спиртли ичимликларни жуда кўп ичган ва шу сабабли спиртга ниҳоятда тўйинган бўлиши мумкин, деган хулосага келинди.

147 ЁШДА ВАФОТ ЭТДИ

Курраи заминимизда энг кекса ҳисобланган хитой Гон Лайфа деярли бир ярим аср яшаб оламдан кўз юмди. У вирусли гепатит касалига мубтало бўлиб, 147 ёшида ҳаёт билан хайрлашди. Шу ёшда ҳам анча тетик эди. Ҳатто 133 ёшида далада меҳнат қилди, кейин эса оёғи синиб қолганлиги оқибатида оғир меҳнатни тарк этишга мажбур бўлган эди. Шунча умр кўрган инсоннинг қандай овқатланиши кўпчиликни қизиқтирса керак. Уни билган ва таниганларнинг гувоҳлик беришича жуда оддий овқатлар танавул қилган. Бироқ ҳеч вақт чекмаган, лекин ҳар куни гуручдан тайёрланган арақдан ичиб турган.

Табиат ҳазили





КАРТОШКА ШАРБАТИНИ ИЧИНГ

КАРТОШКА шарбати хуштаъм эмас, иштаха билан ҳам ичилмайди. Бироқ семиришдан ва қон босими ошишидан халос бўлишни истовчилар уни канда қилмасликлари керак. Тиббиётчилар шундай тавсия қилишяпти. Шу сабабли Ғарбда уни тез-тез ва кўп миқдорда ичишга ўрганишяпти.

Мутахассисларнинг қайд қилишича, картошка шарбати ошқозоннинг оқсилни парчалаш қобилиятини сусайтиради, шарбат крахмали эса ошқозоннинг шўр кислотасини қисман нейтраллаштиради. Шундай бўлгач, агар ошқозоннинг кислотаси юқори бўлса янги сифатли картошка шарбати пархез воситаси сифатида гастрит ва яра касаллигидан халос бўлишга ёрдам беради. Ошқозон кислотаси паст бўлса карам шарбати фойдалидир.



БОЛАЛИК — БЕҒУБОРЛИК

Қибрай туманида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган вилоят тантанаси унинг қатнашчилари қалбида бир умрга сақланиб қолса ажаб эмас...

Эрта тонгданоқ Қибрай ўйингоҳига туташ бу сўлим боғ байрамона қиёфага кирди. Шу куни вилоятимизнинг барча шаҳар ҳамда туманларидан махсус жиҳозланган автобусларда ташриф буюрган болажонларнинг чеҳраларида табассум жилоланарди. Болалар уйидан келган тарбияланувчиларга меҳрибон мураббийлари бош-қош эдилар. Улар учун безатилган байрам дастурхони даврага файз бағишлаб турарди.

Болалик — беғуборлик. Ана шу беғуборлик қайси юракни ҳаяжонга солмаган дейсиз, шу боис ҳаётимиз гулғунчаларини — 1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан табриклагани келган вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, корхона, ташкилот, муассасалар вакилларининг диллари ҳам қувончга тўла эди.

— Азиз болажонлар, — деди байрам тантанасини очар экан вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева, — мустақил мамлакатимизда сизларнинг яхши яшашингиз, соғлом, баркамол бўлиб улғайишингиз учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада Президентимиз мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Бугунги тадбир ҳам ана шу эътиборнинг бир кўринишидир. Ҳаммангизни байрам билан чин дилдан табриклайман. Сизларга соғлиқ, бахт-саодат ёр бўлсин!

Дарҳақиқат, республикамиздаги сингари Тошкент вилоятида ҳам фарзандларимиз, айниқса, болалар уйларининг тарбияланувчилари, кўп болали оилалар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Республика Президентининг бу соҳага тааллуқли фармонларини ижро этиш билан биргаликда вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотлар ҳар бир боланинг етук инсон бўлиб улғайиши учун ўзларининг кўмакларини аямаяптилар.


Хусусан, шу кунги тадбирни ўтказиш учун вилоят ҳокимлиги 50 минг сўм маблағ ажратди. Вилоят халқ таълими бўлими, маданият ишлари бошқармаси ҳам катта улуш қўшдилар. 1200 нафар болага ўз совғаларини топширган вилоят «Саноатсавдо» концерни, катта дошқозонларда ош дамлаган вилоят матлубот уюшмаси жамоаси, Қибрай тумани ҳокимлигининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Ушбу тантана ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, энг муҳими бу тадбирда иштирок этган ҳар бир бола катта таассурот билан қайтди. Тантанага ташриф буюрган республикамизнинг таниқли хонандалари, созандалари ва сўз усталарининг чиқишлари ҳаммани хушнуд этди.

Болалар кунига бағишлаб ўтказилган тантанада Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Д. Жаҳонгирова иштирок этди.

Саидвали ҲАСАНОВ.









СУРАТЛАРДА: Қибрай туманида ўтган байрам тантаналаридан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

МЕҲР ОҒУШИДА

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида уюшқоқлик билан нишонланди. Ана шундай тадбирлардан бири Паркент туманида бўлиб ўтди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент вилояти бўлими ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорликда ўтказган мазкур йиғин қизиқарли байрамга айланиб кетди. Туманнинг маданият ва истироҳат боғига йиғилган юзлаб кичкинтойлар Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳи битирувчиларининг қўғирчоқ театрини ҳамда концерт дастурларини мириқиб томоша қилишди. Боғча болалари иштирокидаги хилма-хил чиқишлар кечгача давом этди. Иштирокчиларга ҳомий ташкилотларнинг совға-саломлари топширилди.

Шунингдек, ўша куни байрам арафасида Пискент ва Бўка туманларида йил бошидан буён ўтказилиб келинаётган «Соғлом она ва бола» танловига якун ясалди. 200 га яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва байрам совғалари ҳадя этилди.

Оқмирза АННАҚУЛОВ.





Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида «Тошкент-Ленд» боғи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга мактаб ўқувчилари, болалар уйининг тарбияланувчилари, шунингдек чет эл дипломатия ваколатхоналари ходимларининг фарзандлари ташриф буюрдилар. Ранг-баранг дастурдаги томошалар, сайиллар уларда катта таассурот қолдирди. Бир қатор фирмалар болаларга ширинликлар улашди.

Аминжон МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Шу куни Бўка туманидаги 15-болалар уйида ҳам байрам сермазмун ўтди. Тарбияланувчиларни табриклаш учун туман ҳокимлиги, республика, вилоят ташкилотларининг вакиллари ташриф буюришди.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасининг бўлим мудири М. Ўринбосарова, Бўка тумани ҳокими Р. Обидов биринчи бўлиб болаларни табрикладилар, ўзларининг совғаларини топширдилар.

Айниқса, республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Махситов болаларга «Кока-кола» фирмасининг спорт кийимларини, турли жиҳозларни топширганда уларнинг қувончига қувонч қўшилди.

Шу куни вилоят Қизил ярим ой жамиятининг раиси Ф. Латипова болалар уйининг 14 нафар битирувчисига жамият ҳисобидан 500 сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчаларини топширди.

Шунингдек тумандаги «Ўзтуркаккуммаш» қўшма корхонаси, туман матлубот уюшмалари жамияти, Ҳамза матлубот жамияти, туман умумий овқатланиш жамоалари ҳам саховат кўрсатдилар.

О. МАКСИМОВА.

БИРИ—ОЛИМ, БИРИ—АДИБА



Туғилиш бор, яшаш бор, умр сарҳадлари бор... Вақт бир ерда турмайди. Гўё кечагидек туюлади... Тилаб Маҳмудовни илк бор дорилфунун бўсағаларида учратганим ҳамон ёдимда. Қорачадан келган, буғдойранг, камсуқум, тортинчоқ бу йигитнинг Бўстонлиқ туманидан эканлигини билганимда алланечук қалбда илиқлик уйғонган эди ўшанда. Биринчи кўришдаги ўша ошуфталик ҳамон давом этмоқда.

... Яқинда Тилабжонга елиб-югуриб юрганида дафъатан тўқнаш келиб қолдик. «Тинчликми, жигар» деган саволга у ийманибгина «Олтмишга кириб қўйибмиз, ака, шунинг орқасида ишлар чиқиб қолувди», — деди. Бир ишондик, бир ишонмадик. Дарҳол 42 йил муқаддам менга рўбарў бўлган ёшгина йигитча кўз ўнгимда гавдаланди. Унга «Ҳа, ука, олтмишга кирмаган ким бор», деб тасалли бердик.

Инсон яшар экан эзгу умидларни орзу қилади. Тилабнинг ёшлик йиллари осон кечганмас. Раҳматли Татима ая саккиз қиздан сўнг Тилабни Оллоҳдан сўраб олган. Шунинг учун ҳам исми Тилаб бўлган. Тақдир биринчи кунларданоқ қийин келди. Оддий деҳқон Маҳмуд ака ўттиз еттинчи йиллардаги қатлиом қурбони бўлди. Шу боис норасида гўдак отаси чеҳрасини кўролмай қолган.

Онаизор ёлғиз ўғлини киприк устида ўстирди. Емай едирди, ичмай ичирди. Оқ ювди, оқ таради. Бўладиганнинг бошидан деганларидек, ёш Тилаб саккиз ёшидаёқ одамлар оғзига тушди. Хумсон, Хўжакент, Чимбойлик ва бошқа қишлоқларда бу болакайнинг отини камдан-кам одам билмас эди. У шундай дутор чалиб, шундай ашула айтардики, тўйларда, йиғинларда одамлар кўзларида ёш билан уни олқишлар эдилар. Куй, ғазал ва гўзаликка ташна қалб ёш йигитчанинг тафаккурини сирли истиқбол сари парвоз эттирарди.

Тилаб яшаш, ўқиш, меҳнат қилиш машқулотларини эрта имтиҳондан ўтказди. У тоғаси

• Ҳавас қилса арзийди

— Қоравой ака қўлида дутор чертишни ўрганди. Амакилари Нишонбой ака ёнида бир бурда қаттиқ ноннинг, иссиқ тўшак нима эканлигининг қадрига етди. «Олоқдода»лари Мулла Аъзам хонадонида илмга меҳр қўйди, поклик, ҳалоллик, одамийлик тушунчаларидан сабоқ олди.

Ниҳоят, олий ўқув даргоҳига йўл оладиган дақиқалар ҳам етиб келди. Адабиётга, тилга, тарихга, шеъриятга, куй-қўшиққа ихлос қўйган Т. Маҳмудов иккиланмасдан Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни томон йўл олди. Беш йил давомида журналистика куллиётида таҳсил кўрди.

Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, деганларидек, унинг қисмати кутилмаганда бошқа томонга бурилиб қолди... Олтмишинчи йилларнинг бошлари эди. Академик Иброҳим Мўминов Ўзбекистонда илк бор эстетика фанига пойдевор қўя бошлади. Албатта, бу «бино»ни қуриш учун иқтидорли, билимга чанқоқ ёшлар керак эди. Академия тизимида эстетика шўъбаси ташкил этилиб, бир неча аспирантлар рўйхатга олинади. Улар орасида Тилаб Маҳмудов деган — ҳали ҳеч ким танимайдиган «қишлоқи» бир йигитча ҳам бор эди.

Яна орадан йиллар ўтди. Т. Маҳмудов фан номзоди, фан доктори деган илмий даражаларга эришди. Профессор бўлди. Қатор нуфузли мукофотлар олди. Хорижда, халқаро анжуманларда Ўзбекистон санъати тараққиёти, эстетика ривожи, фалсафа ва руҳшунослик мақоми борасида ўқиган маърузалари байналмилал алломалар тилига тушди.

Олимлик дарё экан. Эндиликда фан доктори, профессор, «Гулистон» журналининг бош муҳаррири Т. Маҳмудов атрофида яхши одамлар жамулжам. Ажойиб устозлар, садоқатли шогирдлар унга камарбасталар. Ўнлаб рисолалар, китоблар, юзлаб мақолалар унинг номини машҳур қилди. Матёқуб Қўшжонов, Михли Сафаров, Зоя Туманова, Саид Аҳмад кабиларнинг ёзган тақризларида Ўзбекистон эстетика мактабини яратишда жонбозлик кўрсатган олим иқтидори яққол кўрсатиб берилган.

Инсон икки қутб орасида яшайди, дейдилар. Бу қутбларнинг ибтидоси ва интиҳоси бўлади. Файласуф Тилаб Маҳмудов буни яхши тушунади. Шунинг учун у олимлик, жамоатчилик ишлари билан бирга оила ташвишларини, оталик бурчларини ҳам унутмади. Ҳамкасб, ҳамфикр, маслакдош жуфтиҳалоли — ажойиб қалам соҳибаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудова билан биргаликда ҳамма ҳавас қиладиган «оила» деб аталмиш қасрни бунёд этди. Элга содиқ уч фарзандни балоғатга етказдилар. Айни пайтда Беҳзод — рассом, Гули — файласуф, Ҳулкар — руҳшунос сифатида оталари ва оналари изларидан бормоқдалар.

Эрта-индин Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудовалар ўзларининг 60 йиллик тўйларини нишонлайдилар. Олимлар, устозлар, адиблар, шогирдлар, ҳамкасблар, ёру-биродарлар уларни чин кўнгилдан муборакбод этадилар. Ўтиришда жуда кўп яхши гапларнинг айтилишига шубҳа йўқ. «Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси ҳам ана шу яхши тилакларга ғойибона қўшилиб, Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудоваларга энг эзгу ниятларини изҳор этади.

Раҳимберди УМАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Суратда: Т. Маҳкамов рафиқаси билан.

ЗЎР-МИ? ТАН БЕРИШ КЕРАК!

Футбол

ЎЗБЕКИСТОН футболида кучли жамоалар кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир. Агар миллий биринчиликнинг дастлабки йиллари чемпионлик учун асосан «Пахтакор» ва «Нефтчи» даъвогарлик қилган бўлса, бу йилга келиб камида тўрт-бешта жамоа ғолиблик учун курашмоқда. Кучли клублар қанчалик кўп бўлса, улар ўртасидаги рақобат шунчалик кучаяди, футболимиз нуфузи ортади.

Мен пойтахтдаги «Пахтакор», МҲСК, «Трактор», «Чилонзор», Тошкент вилоятининг «Дўстлик» ўйингоҳларида ашаддий футбол муҳлиси Набижон Собиржоновни учратаман.

«Дўстлик» — «Навбаҳор» жамоалари учрашуви пайтида Набижон акани суҳбатга тортдим.

— Сиз ўзи қайси жамоанинг мухлисисиз?— Мен чиройли ўйин мухлисиман, — дейди у. — Зўрга тан бериш одати мендаям бор.

Набижон ака ҳақ гапни айтди. Шу куни «Навбаҳор» футболчилари жуда чиройли ўйин намойиш этиб, «Дўстлик»ни 2:0 ҳисобида (тўпларни Зафар Мусабоев ва Бахтиёр Тоғаевлар киритди) мағлуб этдилар. Умуман, «Навбаҳор» бу йил бир текис, ҳужумкор ўйин кўрсатмоқда. Бирор марта ҳам ютқазмай 20 очко билан карвонбошилик қиляпти.

Мазкур турда энг йирик ҳисоблар МҲСК — «Наврўз», «Нурафшон» — «Косонсой» ўйинларида қайд этилди. МҲСК 7:1, «Нурафшон» 5:0 ҳисобида ғолиб келишди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Трактор» — 2:1, «Янгиер» — «Динамо» (С) — 1:0, «Машъал» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Динамо» (Урганч) — «Пахтакор» — 0:1, «Атласчи» — АСК — 0:0.

Эртага ва индинга навбатдаги тўққизинчи тур ўйинлари бўлади. «Дўстлик» футболчилари МҲСК ўйингоҳида «Пахтакор»га қарши майдонга тушадилар. Ўйин соат 18.00 да бошланади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ ТУМАНИ ҲУДУДИДАГИ ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ БЎЙИЧА 1996 ЙИЛ 22 ИЮНЬ КУНИ КИМ-ОШДИ САВДОСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР РЎЙХАТИ

СОТИЛАДИГАН МУЛК НОМИ	ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН, ҚУРИЛГАН ЙИЛИ	БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ СЎМДА	СОНИ
1. АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. ЗИЛ-130 (бортли)	1985	150.000	1 дона
2. ЗИЛ-130 (бортли)	1968	150.000	1 дона
3. ГАЗ-53 (бортли)	1970	120.000	1 дона
4. ГАЗ-51 (бортли)	1954	100.000	1 дона
5. Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ҳар бири 300 м2дан		30.000	2 дона
6. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 400 м2 дан		40.000	2 дона
2. С. РАҲИМОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. КАЗ-608В (бортли)	1985	80.000	1 дона
2. ГАЗ-52 (бортли)	1972	70.000	1 дона
3, ГАЗ-53 (бортли)	1970	70.000	1 дона
4. Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ҳар бири 300 м2 дан		30.000	4 дона
5. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 600 м2дан		60.000	4 дона
3. ҲАСАНБОЙ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ	1976	183.110	1 дона
2. ҲАММОМ БИНОСИ	1972	214.374	1 дона
3. ФИН ҲАММОМИ БИНОСИ	1993	201.252	1 дона
4. ГАЗ-51	1961	19.900	1 дона
5. ГАЗ-52	1976	19.500	1 дона
6. ГАЗ-52	1978	20.600	1 дона
7. ГАЗ-53	1972	23.600	1 дона
8. ГАЗ-53	1978	29.100	1 дона
9. ГАЗ-63	1959	19.800	1 дона
10. Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ҳар бири 300 м2 дан		30.000	1 дона
4. А. АБДУРАҲМОНОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. Қурилиши тугалланмаган объектлар:			
2. Минерал ўғитлар омбори	1991	650.000	1 дона
3. Ҳаммом биноси	1992	200.000	1 дона
4. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 400 м2 дан		40.000	8 дона
5. «ТОШКЕНТ» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. ДАЛА ШИЙПОНИ БИНОСИ	1982	300.000	1 дона
2. С-100 МАРКАЛИ ТРАКТОР	1986	200.000	1 дона
3. АВТОЮКОРТГИЧ	1993	50.000	1 дона
4. Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ҳар бири 700 м2 дан		70.000	1 дона
5. Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ҳар бири 200 м2 дан		20.000	1 дона
6. «ТЎЛА-БИ» НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. Ҳаммом биноси	1991	2.000.000	1 дона
2. ЗИС-133	1968	50.000	1 дона
3. ГАЗ-53 А	1986	50.000	1 дона
4. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 400 м2 дан		40.000	4 дона
7. ГИЁС УМАРОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. ЗИЛ-157 (бортли)	1989	100.000	1 дона
2. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 600 м2 дан		60.000	2 дона
8. Т. МИРЗАЕВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 400 м2 дан		40.000	4 дона
9. «ЎЗБЕКИСТОН» НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 400 м2 дан		40.000	8 дона
10. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. Т-28Х4М ТРАКТОРИ	1987	25.000	1 дона
2. Т-28Х4МС1 ТРАКТОРИ	1987	25.000	1 дона
3. ГАЗ-52	1979	20.000	1 дона
4. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 400 м2 дан		40.000	4 дона
11. Г. АБДУЛЛАЕВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА			
1. «АЛТАЙ» Т-4 ТРАКТОРИ	1986	20.000	2 ДОНА
2. КАВЗ АВТОБУСИ		110.000	1 дона
3. ГАЗ-51 (бортли)		100.000	1 дона
4. Уй жой қуриш учун ер майдони ҳар бири 400 м2 дан		40.000	4 дона
5. Қурилиши тугалланмаган 6.0 Га майдонли теплица бинолари		50.000.000	1 дона
6. Қурилиши тугалланмаган мактаб биноси		10.000.000	1 дона

КИМ ОШДИ САВДОСИ 22 ИЮНЬ 1996 ЙИЛ СОАТ 10.00 ДА ТУМАН ҲОКИМЛИГИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, КЕЛЕС ШАҲРИ, ГЕНЕРАЛ ҒОФУРОВ КЎЧАСИ, ТОШКЕНТ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ БИНОСИ 103-ХОНА, ТЕЛЕФОН: 5-60-37 (КОД 296) ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ:

ТЕЛЕФОНЛАР 33-28-52, 33-49-31.

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 24-мактаб томонидан Абдураҳмонов Отабек Абдунабиевич номига берилган АУ-266542 рақамли йўқолган аттестат БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги туман деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Собир Қобулович Султонбековга волидаи муҳтарамаси **Ҳалима ҒОФУРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиши тартиби: 8 Буюртма Г-0305. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10327 нусха.

"Шарқ" нашриёти матбаа-концерни. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди 23.00. 1 2 3 4 5 6